

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/04.06.2021.FIL.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СОАТОВА НОДИРА ИСОМИТДИНОВНА

XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ШУҲРАТ
ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

10.00.02. – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
автореферати

Бухоро-2022

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological
Sciences**

Соатова Нодира Исомитдиновна
XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида Шухрат ижодининг ўрни.....3

Соатова Нодира Исомитдиновна
Роль творчества Шухрата в развитии узбекской литературы XX века..... 31

Soatova Nodira Isomitdinovna
**The role of Shukhrat's work in the development of Uzbek literature of the 20th
century 60**

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 65

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/04.06.2021.FIL.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКАУНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 8С (Ўз)2.с 52 So-73

СОАТОВА НОДИРА ИСОМИТДИНОВНА

XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ШУҲРАТ
ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

10.00.02. – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
автореферати

Бухоро-2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/Fil455 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жиззах давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.buxdu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Наим Фотиҳович

ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

Расмий оппонентлар:

Қувватова Дилрабо Ҳабибовна

филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баҳодир Нурметович

филология фанлари доктори, профессор

Носиров Азмиддин Нормаматов

филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__»__соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «__»_____куни тарқатилди.
(2022 __ йил «_____» _____ даги __ -рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Н.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори,
профессор

Н.И.Ғайбуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.З.Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори), доцент

КИРИШ (фан доктор (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадий тафаккур тараққиёти, миллий адабиётлар тадрижига ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирларнинг бадий меросини фаннинг сўнгги ютуқлари асосида текшириш доимий эътиборни тортиб келмоқда. Ҳар бир халқнинг дунёқараши, урф-одатлари, миллий менталитети ва маънавияти унинг санъати, адабиётида акс этмоқда. Шу жиҳатдан миллий адабиётларнинг адабий-эстетик ва маърифий-тарбиявий мавқеъ касб этиши жамиятнинг нафақат маънавий, балки ижтимоий ривожланишида ҳам тутган ўрнини белгилаш имконини бермоқда. Бинобарин, муайян ижодкорнинг ижодий лабораториясини текшириш, унинг бадий маҳорат қирраларини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида адабий турнинг ҳар хил жанрларида ижод қилган ёзувчиларнинг асарларини турли аспектларда ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, у ёки бу ижодкорнинг муайян асарини шу қалам аҳли мансуб бўлган миллий адабиётнинг сўнгги ижодий ютуқлари фонида текшириш, у яратган асарларнинг мумтоз адабиёт ва фольклор билан боғлиқлик даражаси, мавзу кўлами, образлар олами, композицияси, бадий талқиндаги ўзига хосликлари, ворисийлик, анъанавийлик ва новаторлик хусусиятларини монографик тарзда тадқиқ этиш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мустақиллик йиллари ўзбек адабиётшунослигида миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек адабиёти тараққиётига хизмат қилган адибларнинг ижодий лабораториясини текшириш, у яратган асарларнинг миллат маданиятига қўшган ҳиссасини очиб бериш, ижод психологиясини ёритишга катта эътибор берилмоқда. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг мазмун ва шакл жиҳатдан янгиланиб, тараққий этишини ўрганишда, даставвал, “...бадий ижод аҳлининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш”¹ асосий мақсадлардан бири эканини кўрсатса, иккинчидан, ёзувчиларнинг ўз вазифаларини қандай бажараётганлари, янгиланаётган жамият ва ҳаёт ҳақидаги хулосаларини аниқлашга ёрдам беради. Янги ўзбек адабиётининг таниқли вакилларида бири Шуҳрат (Ғулом Алимов) ижодий лабораториясига кириш, миллат руҳи, халқ ҳаётининг турли манзараларини акс этган асарларини бадий маҳорат нуқтаи назаридан илмий баҳолаш юзасидан тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил, 5 апрелдаги ПҚ-3350-сон рақамли “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил 6 апрель № 15 (4465)

Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун ва ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Ўзбек адабиёти масалалари, XX аср адабиёти намояндалари ижодини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, Шарқ мамлакатлари адабий-тарихий фикр ривожланиши, шу жойда яшаб ижод этган буюк шоир ва адиблар меросини ўрганишга бўлган илмий изланишлар дунёнинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Academy of Korean Studies Grand (South Korea), University of California, University of Harvard, Indiana University of Bloomington (USA); Universitat Boon (Germany). University of Oslo (Norwegian), University of Vienna (Austria), Vilniaus Universitetas (Lithuania), Киевський національний університет (Украина); Ваки Dovlet universiteti (Озарбайжон), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж давлат университети, Петрозаводск давлат университети (РФ), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Қозон давлат университети, Уфа давлат университети, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА ҳузуридаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклор илмий-тадқиқот институти, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика университети, (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида муайян ижодкор ҳаёти ва қолдирган адабий меросини ўрганиш бўйича қуйидаги натижаларга эришилган: ёзувчи

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, www.universityofcalifornia.edu/, www.harvard.edu/, www.indiana.edu/, www.intl.aks.ac.kr/, www.uni-bonn.de/, www.uio.no/english/, www.univie.ac.at/en/, www.vu.lt/, www.bsu.edu.az/, www.kaznu.kz/, <https://islaminstitut.uz/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

биографияси, бадий параллелизм, анъана, оригиналик, фалсафий мушоҳадакорлик ва поэтик тасвир каби бадий маҳорат масалалари ёритилган (University of California, (USA), адабий тур ва жанрлар поэтикаси, ижодкор услубига хос халқона поэтик тафаккур, пафоснинг эстетик моҳияти каби хусусиятлар очиб берилган (University of Vienna (Austria); ижодкорнинг миллий адабиёт тараққиётида тутган ўрни, сюжет ва образ яратишда ғоя ва тасвир ҳаққонийлиги, индивидуал услуби ёритилган (Baki Dovlet universiteti (Ozarbayjon); ёзувчи лабораториясидаги ижод психологияси, фольклоризм ва адабий таъсир масаласи ўрганилган (Москва давлат университети, Қозон федерал университети, РФ); анъана ва ворисийлик, адабий таъсир, услуб ва ифода имкониятлари ёритилган (Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); поэтик тафаккур тадрижи, лирик ва лиро-эпик тасвир хусусиятлари, бадий маҳорат қирралари, поэтик нутқ масалалари очиб берилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА хузуридаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклор илмий-тадқиқот институти, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика университети (Ўзбекистон).

Хориж адабиётшунослигида муайян ижодкорнинг адабий мероси, унинг миллий адабиётга қўшган ҳиссаси, бадий маҳоратини ўрганиш бўйича эса қуйидаги асосий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ижод психологияси ва ижодкор лабораторияси, адабий тур ва жанрлар поэтикаси, бадий тасвирга хос хусусиятлар, лингвопоэтика, поэтик нутқ тузилиши сингариларни турли аспектларда тадқиқ этиш; турли тиллардаги фольклор намуналарини қиёсий-типологик ўрганиш; миллий ёзувчи асарларини жаҳон адабиёти контекстида текшириш, бадий маҳорат қирраларини, анъана ва новаторлик белгиларини кўрсатиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида бадий ижодга ёндашув ва воқеликни англашга ёрдам берувчи бадий асар поэтикаси, ижодкорнинг адабиёт тараққиётида тутган ўрни, адабий тур ва жанрларига мансуб асарлар бадийлиги ҳақидаги тадқиқотлар мавжуд¹.

¹Белинский В. Полное собрание сочинений в 13 томах. Т.7.–М.: АН СССР, 1955-1969; Азадовский М. Статьи о литературе и фольклоре. –М. –Л.: Гослитиздат, 1960; Емельянов Л. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы // Русский фольклор. Т. VII. –М. –Л.: Наука, 1962; Ларцев В. Баллада в современной поэзии // Звезда Востока, №9. 1963; Выходцев П. Русская советская поэзия и народное творчество.–Л.: Наука, 1963; Тимофеев Л. Основы теории литературы.–М.: Просвещение, 1966; Пакальнишкис Р. Современная литовская поэма: Автореф.дисс...канд. филол. наук. –М., 1964; Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы.–М.: Наука, 1970; Михайлова А. Художественной условности. –М.: Мысль, 1970; Томашевский Б. Основы теории литературы. –М.: Наука, 1971; Лотман Ю. Структура художественного текста. –М.: Искусство, 1970; Лозовой Б. Из истории русской баллады: Автореф. дис. канд. филол. наук. –М.: 1970; Бахтин М. Эпос и роман // Вопросы литературы. №1. 1970; Тот же. Вопросы литературы и эстетики. –М.: Художественная литература, 1975; Тот же. Эстетика словесного творчества. –М.: Наука, 1979; Лагутов В. О некоторых художественных мотивах жанра исторической баллады // Вопросы теории и истории литературы: сборник статей. –С., 1974; Страшнов С. Герой и стиль русской романтической баллады в период Великой Отечественной войны // Ученые записки Университета. –Иваново, 1974; Потебня А. Эстетика и поэтика. –М.: Сов.писатель, 1976; Виноградов В. Поэтика русской литературы. –М.: Наука, 1976; Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. –Л.: Наука, 1977; Левинтон Г. Заметки о фольклоризме Блока / Миф – Фольклор – Литература. –Л.: Наука, 1978; Поспелов Г. Теория литературы. –М.: Высшая школа, 1978; Тулаков И. Поэтические традиции и характер героя в узбекской советской поэме: Автореф.дисс... канд. филол. наук. –Т., 1981; Затонский Д. Искусство романа и XX век. –М.: Наука, 1982; Киканс В. Современная советская поэма. –Рига: Зинатне,

Ўзбек адабиётшунослигида ХХ аср ўзбек адабиёти намоёндаларининг назм¹ ва лиро-эпик² бадий маҳорат поэтикаси бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилган ҳамда наср³, драматургия⁴ жанрига хос бадиият намуналарининг поэтик янгилашишдаги турфа жилвалари ва адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси тизимли асосда тадқиқ этилган. Шунингдек, дарслик, ўқув қўлланма, монография ва илмий мақолаларда ҳам ХХ аср ижодкорларнинг назм ва наср бадииятига оид масалалар ўрганилган⁵. Диссертацияни ёзиш жараёнида

1982; Балашов Д. Русские народные баллады. –М.: Современник, 1983; Шкловский В. О теории прозы. –М.: Советский писатель, 1983; Кравченко А. Художественная условность как средство типизации характера (На материале современного украинского романа): Дисс...канд. филол. наук. –Киев, 1984; Числов М. Время зрелости – пора поэмы.–М.: Современный писатель, 1986; Веселовский А. Историческая поэтика. –М.: Высшая школа, 1989; Хализев В. Теория литературы. –М.: Высшая школа, 2000; Владимирова Н. Формы художественной условности в современном романе Великобритании: Дисс...д-ра филол. наук. –Новгород, 1999; Ковтун Е. Типы и функции художественной условности в европейской литературе первой половины ХХ века: Дисс... д-ра филол. наук. –М., 2000; Тамарченко Н. Теория литературы. Роды и жанры. –М.: ИМТИ РАН, 2003; Кобланов Ж. Фольклорные сюжеты в драматургии // Филология и литературоведение. 2013. №10.URL: <http://philology.snauka.ru>; Сарбашева А. Балкарская драматургия: этнофольклорная традиция, эволюция, жанровая специфика: Автореф. дисс. докт. филол. наук. – М.: Нальчик, 2014.

¹ Раҳимжонов Н. Ҳозирги ўзбек шеърятининг тараққиёт тенденциялари. Филол.ф.д-ри дисс.–Т.,1989.; Сабирдинов А. Ойбек шеърятига сўз ва образ. Филол.ф.н.дисс.–Т.,1999. Яна ўша. Ойбекнинг поэтик маҳорати. Филол.ф.д-ри дисс. –Т., 2004.; Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеърятига “соф лирика” муаммоси. Филол.ф.н.дисс.–Т.,1997. Яна ўша. ХХ аср ўзбек шеърятининг бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филол.ф.д-ри...дисс.–Т., 2018; Турдимов Ж. Лирик кечинма табиати. Филол.ф.н. дисс.–Т.,1999.; Шарипова Л.Ф. ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърятининг бадий тараққиётида фольклор. Филол.ф.д-ри дисс.–Т.,2019.; Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол.ф.д-ри дисс.–Т.,1994;

² Муродов Ш. Жанровые особенности современной узбекской поэмы (на материале поэм 70-х годов). Автореф на соиск. к.ф.н.–Т., 1984.; Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек достончилигида услубий изланишлар // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. –Т.: Фан, 1983; Ғафуров И. Достонда инсон тақдири // Ўзбекистон Адабиёти ва санъати, 1982; Ғафуров И. Достон устунини // Шарқ юлдузи. –Т., 1982.- № 8; Норматов У. Достон ва замон // Шарқ юлдузи, 1987, №10; Ҳасанов Ш. ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси. Филол.ф.д-ри дисс... –Т., 2004.; Ҳасанов Ш. Замонавий достон поэтикаси. –С., 2001.

³ Мирвалиев С. Ўзбек романи.– Т.: Фан, 1969; Одилов Ш. Кейинги йиллар ўзбек ҳикояларида замондошимиз образи (70-80 йиллар): Филол.ф.н... дисс...– Т., 1989; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар): ДДА.–Т., 1994.; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси. Филол. ф.н...дисс. – Т., 1995; Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси: Филол. ф. д-ри дисс. автореф.–Т., 1997; Исаева Ш.Б. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол.ф.н...дисс. автореф.– Т., 2001.; Солижонов Й. ХХ асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси: Филол.ф.д-ри дисс. автореф.–Т.,2002; Каримов Б.ХХ аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол.ф.д-ри...дисс.–Т., 2002; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. Филол.ф.д-ри. дисс...–Т., 2003; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари. Филол.ф.д-ри дисс.–Т., 2008; Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қахрамон муаммоси. Филол.ф.д-ри дисс.–Т., 2012; Носиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси. Филол.ф.д-ри дисс. –Самарканд, 2018; Муродов Ф. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари.Филол.ф.д-ри дисс. –Т., 2018; Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: аънавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида): Филол.ф. д-ри дисс. –Т., 2020; Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол.ф.д-ри. дисс.– Т., 2021.

⁴ Абдурахимов Т. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва ривожланишида фольклорнинг ўрни: Филол.ф.н.дисс. автореф.–Т., 1995; Қувватова Д. Ўзбек илмий-бадий фантастикасида фольклор мотивлари: Филол.ф.н.дисс.автореф. –Т., 1997; Ярмагов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе: Филол.ф.н.дисс. автореф. –Т., 1985; Солиев А. Драматургия ва аънавийлик // Истиқлол ва ўзбек адабиёти масалалари. –С.: СамДУ, 2006.

⁵ Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. Услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар. –Т.: Фан, 1992; Пардаева З. Ўзбек романи поэтикаси. –Т.: Халқ мероси нашриёти, 2003; Каримов Н. ХХ аср адабиёти манзаралари. –Т.: Ўзбекистон, 2008; Норматов У. Кўнгиларга кўчган шеърят. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006; Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008; Каримов Б. Руҳият алифбоси. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМПУ, 2016;

номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Шухратнинг шеърий ва насрий мероси ижодкор лабораторияси, анъанавийлик, ворисийлик, бадий маҳорат нуқтаи назаридан монографик йўсинда текширилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университетининг истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиёти, танқиди тарихи ва бадий маҳорат масалалари” (2018-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида Шухрат ижодининг ўрни, назм ва насрдаги ижодий изланишларини анъана, ворисийлик ва новаторлик, адабий таъсир ҳамда бадий маҳорат нуқтаи назаридан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шеърияда инсон руҳияти ва қалб кечинмаларининг ифода этилиши, услуб ва ифода имкониятлари, жанр ва услуб ранг-баранглигини Шухрат ижоди мисолида очиб бериш;

Шухрат шеъриятини ўзи мансуб авлод ижодкорлари асарлари билан қиёслаш асосида ундаги анъанавийлик, ворисийлик ва новаторлик хусусиятларини ёритиш;

шоирнинг лиро-эпик ва драматик асарларида халқона пафоснинг акс этиши, поэтик тафаккурнинг янгилалиши, асарларидаги фольклоризмларнинг бадий вазифаларини очиб бериш;

янгича бадий-эстетик қарашлар асосида Шухрат насрий асарларининг сюжети, композицияси, бош қаҳрамоннинг индивидуал табиати, уларнинг бадий тафаккурдаги ўрнини назарий асослаш;

ёзувчи романларидаги бадий ғоя ва тасвир ҳаққонийлиги, фольклоризм ва адабий таъсир, тарихий ҳақиқатнинг бадий талқини, поэтик нутқ, ифодада шаклий ихчамлик, фалсафий мушоҳада теранлиги, мантикий изчиллик, бадиият мезонларининг поэтик тасвирдаги вазифаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шухратнинг лирик, драматик, насрий асарлари танланган, ўрни билан қиёслаш мақсадида фольклор, мумтоз адабиёт намуналари ҳамда Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор асарларига мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предмети XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида Шухрат ижодининг ўрнини ёритиш, адиб адабий меросини комплекс ўрганиш ташкил этади.

Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. –Т.: Ўқитувчи, 2012; Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2004; Куронов Д. Назарий қайдлар. –Т.: Академнашр, 2018; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. –Т.: Муҳаррир, 2011; Насиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси.–Т.: Фан, 2012.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, психологик, социологик, аналитик, герменевтик, биографик тадқиқ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шухрат шеъриятида психологик, жонлантиришли параллелизмни қўллаш маҳорати, халқ шеърияти анъаналарига эргашиш ва ўзига хослик масаласи, унинг халқ руҳи, қалби, орзу-интилишларини, дунёқарашини акс эттиришга хизмат қилиши, болалар учун ёзилган шеърларининг фольклор билан муштарак жиҳатлари, шунингдек фалсафий мушоҳадакорлик, поэтик тасвир ва лирик қаҳрамон тасвирида бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланиши очиб берилган;

шоир лирикаси ва ҳажвий шеъриятга хос муҳим хусусиятлар, хусусан ундаги самимият, мушоҳадорлик, ҳиссий жўшқинлик, лирик қаҳрамон кўнгил туйғулари, қалб изтиробларининг теран бадиий инкишоф этилганлиги, фалсафийлик кабилар аниқланган;

Шухрат ижодининг жанрий хилма-хиллиги, баллада, дoston ва драмаларига хос поэтик тафаккур, халқона пафос каби хусусиятлар, қаҳрамонларнинг руҳий-маънавий оламини тасвирлашда монолог, диалог сингари нутқ воситаларини қўллашдан фойдаланишда ёзувчи маҳорати очиб берилган;

Шухрат насрида конфликт ва сюжет поэтикаси, бадиий психологизм, қаҳрамонларнинг руҳиятида рўй берадиган ўзгаришларнинг омиллари, воқеаларнинг драматик ривожини таъминлаган мактуб, қолиплаш усули кабилар аниқланган;

Шухрат романларида автобиографизм, бадиий ғоя ва тасвир ҳаққонийлиги, сюжет ва образ яратиш маҳорати, фольклоризм ва адабий таъсир, тарихий ҳақиқатнинг бадиий талқини каби ижодкор лабораториясига хос хусусиятлар ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида Шухрат ижодининг бадиий тафаккур тадрижининг омилларини таҳлил ва тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий ғоялар бериши, ўзбек адабиёти, болалар адабиёти, адабиёт назарияси, танлов фанлар учун яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Шухрат шеъриятида фольклордаги параллелизм анъаналари таъсири кўрсатилган, шоирнинг лиро-эпик ва драматик асарларида поэтик тафаккур ва халқона пафоснинг ўзига хос энг асосий илмий-назарий тамойиллари ёритилган;

насрий асарларининг реалистик тасвирида қаҳрамон характер ва руҳиятини ёритишга бадиий тўқима ва ҳаёт ҳақиқатини ўзаро уйғунлаштира олиши, адиб индивидуаллиги ва услубининг муайян қирраларини акс эттирса, иккинчи томондан, асарларидаги реализмнинг ҳаққонийлиги, романтизмнинг кўтаринкилиги асар бадииятини таъминлагани аниқланган;

фольклоризм ва мумтоз адабиётимиз намуналарида эришилган бадиий тажриба, анъаналар Шухрат романларида бадиий ғоя ва тасвир ҳаққонийлиги, воқеликни “юргизиш” манераси учун омил бўлиб, ижодкор маҳорати, бадиий услуби ва тилининг шаклланишига таъсир кўрсатгани очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хориж ва республика миқёсида илмий журналларда чоп этилган мақолалар, илмий-амалий конференцияларда ўқилган маърузалар, нашр этилган тезис ва мақолалар, ҳамда объектга илмий ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, объект сифатида олинган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Шухрат шеърляти ва насрига хос муҳим хусусиятлар, адибнинг бадиий маҳорати ёритиб берилган илмий умумлашма ва хулосалардан ХХ аср ўзбек адабиёти тарихини яратишда, поэтика муамоларини очиб беришда, ижодкор лабораторияси ва бадиий ижод психологияси йўналишидаги тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Ҳозирги адабий жараён” фанларидан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда, адабиётшунослик луғатларини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ХХ аср ўзбек адабиёти таракқиётида Шухрат ижодини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Шухрат шеърлятида психологик, жонлантиришли параллелизмни қўллаш маҳорати, халқ шеърляти анъаналарига эргашиш ва ўзига хослик масаласи, унинг халқ руҳи, қалби, орзу-интилишларини, дунёқарашини акс эттиришга хизмат қилиши, болалар учун ёзилган шеърларининг фольклор билан муштарак жиҳатлари, шунингдек фалсафий мушоҳадакорлик каби масалаларни ёритишга доир назарий хулосалардан Андижон давлат университети ОТ-А1-46 “Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2022 йил 22 октябрдаги 39-04-3719 сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳанинг ижодкор назм ва романларидаги бадиийлик ва образ талқини, поэтик хусусиятлар ҳақида муайян хулосаларнинг берилишига назарий манба сифатида асос бўлган;

шоир лирикаси ва ҳажвий шеърлятга хос муҳим хусусиятлар, ундаги самимият, мушоҳадорлик, ҳиссий жўшқинлик, лирик қаҳрамон кўнгил туйғулари, қалб изтиробларининг теран бадиий инкишоф этилганлиги, фалсафийлик таҳлилига доир илмий-назарий хулосалардан ЎзР ФА

Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси ва 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф1-ОО5 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (ЎзР Фа Қорақалпоқистон бўлими 2022 йил 31 ноябрдаги 42/1-сон маълумотномаси). Натижада фольклоризм ва мумтоз адабиётимиз намуналарида эришилган бадиий тажриба, анъаналар Шухрат ижодида бадиий ғоя ва тасвир ҳаққонийлиги, воқеликни “юрғизиш” манераси учун омил бўлиб, ижодкор маҳорати, бадиий услуби ва тилининг шаклланишига таъсир кўрсатгани аниқланишига эришилган;

Шухрат ижодининг жанрий хилма-хиллиги, баллада, достон ва драмаларига хос поэтик тафаккур, халқона пафос каби хусусиятлар, қаҳрамонларнинг руҳий-маънавий оламини тасвирлашда монолог, диалог сингари нутқ воситаларини қўллаш ва халқона пафосдан фойдаланишда ёзувчи маҳорати масаласини ўрганиш таҳлилларидан Абдулла Қаҳҳор музейи Ф-1-ФҚ-055213 “Абдулла Қаҳҳор дастхат-қўлёзмалари асосида асарларининг илмий-қийматли матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозирлаш” фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЎзР Туризм ва маданий мерос Вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги А.Қаҳҳор уй-музейи 2022 йил 25 октябрдаги 01-02-70-сон маълумотномаси) Натижада лойиҳадаги етакчи типологик ҳодисанинг моҳиятини илмий аниқлашда асосий тамойил вазифасини бойитилишига хизмат қилган.

Шухрат насрида конфликт ва сюжет поэтикаси, бадиий психологизм, қаҳрамонларнинг руҳиятида рўй берадиган ўзгаришларнинг омиллари, воқеаларнинг драматик ривожини таъминлаган мактуб, қолиплаш усули каби масалаларни ўрганиш таҳлилларидан Абдулла Қаҳҳор музейи А-1-059 “Абдулла Қаҳҳор Истиқлол адабий кўзгусида” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Туризм ва маданий мерос Вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги А.Қаҳҳор уй-музейи 2022 йил 25 октябрдаги 01-02-69-сон маълумотномаси). Натижада экспозициялар мазмунини бойитишда ҳамда экскурсия жараёнларида кенг ва самарали фойдаланиш учун аввал нашр этилмаган илмий маълумотлар муомалага киритилган ва экскурсия маълумотлари бойитилишга хизмат қилган.

Шухрат романларида автобиографизм, бадиий ғоя ва тасвир ҳаққонийлиги, сюжет ва образ яратиш маҳорати, фольклоризм ва адабий таъсир, тарихий ҳақиқатнинг бадиий талқини каби ижодкор лабораториясига хос хусусиятлар, бадиий маҳоратига оид хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти телерадиокомпанияси “Адабиёт дарси” (2021 йил 15 декабрь), “Адабий муҳит” (2022 йил 6 май) кўрсатувларида фойдаланилган (2022 йил 28 октябрдаги 10-12/766 ва 10-12/767-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларга Шухрат адабий

мероси билан мавзу доирасида чуқурроқ мулоҳаза юритиш учун замин яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 52 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 13 таси республика, 1 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 255 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Шухрат лирикасида анъана ва фалсафий мушоҳадакорлик”** деб номланган биринчи бобида Шухрат шеърятининг фольклор билан муштарак, вобаста жиҳатлари, шеърятда параллелизм анъаналари, адабий таъсир, фалсафийликнинг бадиий тасвир ифодаларида берилиши ва ҳажвий шеърларининг лирик тасвири каби масалалар талқин этилган.

Бобнинг **“Бадиий параллелизм: анъана ва оригиналлик масаласи”** деб номланган биринчи фаслида “...ўзбек поэзиясини ўртамиёначилик савиясидан олиб чиқиб, юқори кўтарилишига астойдил хизмат қилган”¹ Шухратнинг шеърятда халқона оҳанг ва параллелизм анъаналарини ворисийлик нуқтаи назаридан давом эттирганлиги очиб берилган. **“Параллелизм** (адабиётшуносликда) – поэтик нутқ усулларида ва тасвир воситаларидан бири. Параллелизм бадиий матннинг ўзаро боғлиқ қисмларидан нутқ унсурларининг ўхшаш ёки айнан бир хилда жойлашувини тақозо этади. Унда, одатда, икки ҳодиса ёнма-ён (параллел) қўйиб тасвирланади. Бу, табиатдан олинган бирор образ билан инсон ҳаётидан олинган образнинг ўзаро ўхшашлигини кўрсатиш мисолида, шунингдек, бир-

¹ Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. 5-том. Адабий танқидий мақолалар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 147–157.

бирига ўхшаш икки образнинг ўзаро зид томонларини қиёслаш асосида намоён бўлиши мумкин. Параллелизм дастлаб халқ оғзаки ижодида кенг тарқалиб, сўнг бадиий адабиётда ўзлаштирилган”¹ини ҳисобга олсак ва “XX асрнинг 70-80-йиллари шеърлятида ижодкорлар мавжуд фольклор анъаналарини ё тўлиғича, ёки қисман қабул қилиб, уни янги шароитга мослаб оригинал (бетакрор) асарлар яратди”², – деган қарашлар Шухратнинг ҳам бу анъанани ижодий ўзлаштирганлигини тўлиқ асослайди. Шухрат шеърлятида фольклор ва параллелизм анъаналарини қуйидаги тамойиллар асосида очиб беришга ҳаракат қиламиз:

– Халқ кўшиқларининг Шухрат шеърлари бадиий қурилмасидаги ўрнини кўрсатиш;

– шеърларидаги қалб изтиробларининг шоир ҳаёти билан алоқадорлигини параллелизм ҳодисаси орқали асослаш;

– шоирнинг параллелизм ҳодисаси асосида яратилган халқона шеърларни таҳлил қилиш;

– Шухратнинг ўзбек болалар шеърлятида тутган ўрнини белгилаб бериш.

Масалан:

*Сен ёнмасанг, у ёнмаса, мен ёнмасам,
Ким ёнади бу дунёнинг таъвишида.
Қизиги йўқ бу оламнинг ёз-қишида,
Юрак тўла ўт бўлмаса ҳар кишида*³.

Шеърлят моҳиятини бундай чуқур тушуниш, лирик қаҳрамоннинг ўзига ўхшаган мард ўғлонлар билан бирга яхшилик учун ёмонликка қарши курашга доим шай бўлиб туриш Шухрат лирик қаҳрамонининг асосий фазилатидир. Шоир лирик қаҳрамонининг моҳиятини белгиловчи бу фазилат Шухрат лирикасини илоҳий юксакликка кўтаргандек бўлади. Шеърнинг лирик қаҳрамони “мен”, “сен”, “у” билан ўзаро параллеллик касб этиши билан бирга “ўт”, “ёниш” сўзларига ҳам “параллеллашиб боради”. Шоир шеърда параллелизм санъатидан фойдаланган ҳолда инсонларни доимо эл-юрт манфаати йўлида ёниб яшашга чорлайди. Унинг эътиқодича, инсон зоти борки, юрагида “ўт” бўлмоғи керак. Агар юрагида ўт бўлмаса, унинг инсонлигидан не фойда? – шеърнинг ғоявий мазмунидан келиб чиқадиган хулоса шудир.

Шухрат халқ ижодини ўрганишда, халқ эртаклари ва қаҳрамонлик дostonларини ўқиш ва улардан баҳраманд бўлиш жараёнида ундаги бадиий гўзаллик ва баркамоллик сирларини кашф этишга интиланган ва шу масалада шундай маҳоратга эришганки, биз унинг энг яхши шеърларини ўқиганимизда, улардан ўзбек халқ оғзаки ижодининг нафаси келаётгандек бўлади. Бу ҳол шоир шеърларининг бадиий мукамал бўлишини кафолатлаган.

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.–Б.68–69.

² Шарипова Л. Ўзбек шеърлятида фольклоризм. (XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърляти асосида). –Т.: Фан, 2011. – Б.16.

³ Шухрат. Бемалол яшасанг бўлади. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2008. – Б.133.

Шоирнинг болаларга бағишланган шеърларининг тадрижий ўсиш жараёнини кузатилганимизда, унинг дастлаб кичик-кичик шеърлар ёзганлиги, кейин воқеабанд шеърлар яратишга ўтганлиги аён бўлади. Болалар адабиётининг асосий хусусиятлари ҳисобланган соддалик, самимийлик, маърифийлик ва тарбиявийлик Шухратнинг “*Бувижоним*”, “*Бобонг йўли*”, “*Қандим қани?*”, “*Перо ва Адҳам*”, “*Ўчирғич*” каби шеърларида тўлиқ мужассамлашган.

Шухратнинг таҳлилга тортилган шеърларидан шу нарса маълум бўладики, у халқона ифода усули, сюжет ва композиция, шунингдек, поэтик образни яратишдаги ўзига хос услуби билан ёш китобхонларни мафтун қилибгина қолмай, уларни ўйлашга, яхши билан ёмонни бир-биридан ажратишга, жумбоқли масалаларга дуч келганида тўғри йўлни танлашга ўргатади.

Бобнинг “**Фалсафий мушоҳадакорлик ва бадий тасвир воситалари**” деб номланган иккинчи фаслида Шухрат лирикаси адабий жозибасини шаклланишининг муайян қирралари кўрсатилган: *Биринчидан*, шоир шеърятдаги самимият, мушоҳадорлик, ҳиссий жўшқинлик; *иккинчидан*, лирик қаҳрамоннинг кўнгил туйғулари, қалб изтиробларини бадий инкишоф этиш; *учинчидан*, инсон ва умр мазмуни билан боғлиқ масалаларни фалсафий теранлилик билан ифодалаш; *тўртинчидан*, шеърини санъатлардан моҳирона фойдаланиш. Шухрат шеърятдаги инсонни қуршаган сирли олам ва шу борлиқдаги инсон тақдири ҳақидаги ўйлар, мушоҳадалар кўпни кўрган кишиларга хос фалсафий хулосалар, умумлашмалар, ҳикматлар уммонига бориб қуюлади. Шухрат ана шу ижодий жараёнда ўзлигини сақлаб қолади, шу хулоса ва умумлашмаларга ўз ҳаётини тажрибасини, ўзи босиб ўтган ва босиб ўтаётган ҳаёт йўлини таҳлил қилиш орқали келади. Кўпинча шундай фалсафий фикр билан суғорилган мушоҳадалар шоир лирик қаҳрамонининг қайноқ ҳаётдан олисда яшаган чоғларида, оила ва дўстларнинг иссиқ бағридан мосуво бўлган кезларида ҳаёлга келади. Шундай руҳий ҳолат фалсафий фикрлар устиворлик қилган шеърларнинг туғилишида доя вазифасини бажаради. Шоир шундай руҳий кечинмалар оғушида яшаган соатларида ҳам ўзидаги гўзалликка, эзгуликка, мунаввар эртага бўлган ишончини йўқотмайди. Шунинг учун ҳам унинг лирик қаҳрамони доим ҳаётбахш ғоялар бўстонида нафас олиб яшайди.

*Онасини унутганинг,
Она тили бўлмайди.
Она тилин унутганинг,
Она эли бўлмайди.
Она тилинг унутдингми?
Элинг унут, она унут,
Хўш, ҳаётдан не умид!
На одамсан, на фарзанд,
Одам нусха вужудсан.
Ер юзида дайдиб юрган,
Бир жонзотдай мавжудсан.*

Шухратнинг ушбу шеърини ўқир эканмиз, шеърда инсонийликни улуғловчи ўқувчи учун муҳим файласуфона фикр – она, она тили, она юртга муҳаббат ва уни эъзозлаш каби халқимизнинг руҳи, табиати, одатига мос фазилатлар ифодаси мавжудлигини кўрамиз. Шоир лирик қаҳрамони маънавий дунёсида унинг ўзига хос характер жиҳатларини кўрсатиб бера олади. Ижодкор шеърда ҳар бир сўзга масъулият билан ёндошган. У ўзи айтмоқчи бўлган ғояга бефарқ эмас, аксинча, қалбидаги уни эзувчи изтиробни кенгроқ очиш, халқнинг бир муносиб фарзанди сифатида она, она тили ва она элига доим садоқат сақлашни мақсад қилишга лирик қаҳрамонни ундайди. Йўқса, у бир манқурт мавжудотга айланиб қолиши мумкинлигини уқтиради.

Шухратнинг “*Тонг отаяпти*” шеърининг фалсафий ғояси ниҳоятда теран: ижодкор китобхон қалбида мусаффо тонг тасвири ила инсон ҳаётининг тонгини уйғунлаштиради.

*Тонг отаяпти, тонгни кутиб ол,
Тонг завқида кун бўйи қол!
Тонгни берган кунни олқиш-ла,
Кун чиқаяпти нурли боқиш-ла!*

Шоир воқеликни бадийлаштиради экан, китобхон қалбига яшаш мазмун-моҳиятини пайванд қилишга ҳаракат қилади ва маълум даражада муваффақиятга эришади. Шоир шеърларидаги бадий кашфиёт мана шу воқеликдан янги ғояларни фаҳмлаб олиши ва уни ўзига хос йўсинда ифодалашдан келиб чиққан. Шоир ғоявий-эстетик таъсирчанликни кучайтиришда дард билан йўғрилган кечинмаларининг чуқур фалсафий фикрга тўйинган ифодасини шеър сатрларига сингдира олган. “Бу усталлик ички дунёни доимо бир ҳолатда эмас, ҳар гал янги вазиятда, янги томондан очишга имкон беради”¹.

*Кўҳна қалъа, тош қалъа,
Кеккаясан тоғ бошида бир ўзинг.
Икки кўзи зардоб ила ёш қалъа,
Ёки борми авлодларга арз сўзинг?*

Шоир тақрир ва ташҳис ва тазод санъатини мужассамлантирган қалъа киёфасида инсонга хос кеккайиш ва хўрланиш хусусиятини ифодалаган. Жонсиз ва мавҳумий нарсаларни шу хилда тасвирлаш воситасида шоир илгари сураётган муайян ғоялар аниқлик, ёрқинлик, жозибадорлик касб этади. Умуман, шоир ҳиссиёт олами табиат манзаралари – булоқлар, тоғлар, дарё ва денгизлар билан учрашув чоғларида, ой ва юлдузлар кўшиғи жаранглаб турган сокин кечаларда тўлқинланиб кетади. Шу маънода Шухратнинг пейзаж лирикаси шоирнинг шундай пайтдаги жўшқин ҳис-туйғулари ёрқин ифодаланган бадий оламдир.

Бобнинг “**Ҳажвиётда поэтик тасвир ва лирик қаҳрамон талқини**” деб номланган учинчи фаслида “*Тулки ва қуён*”, “*Қурбақа*” масали ҳамда “*Бўри эди, тулки бўлди*”, “*Хира пашиша*” каби ҳажвий шеърлари таҳлилга

¹ Шарафиддинов О. Шухрат ижоди ҳақида фикрлар. / Ёш ленинчи. 1971. 21 май. № 98.

тортилган. Маълумки, бадииятда “...инсон кечинмалари – бу реал инсон ҳаётининг субъектив томони, шахс эса умр йўлининг объектив аспектидир”¹. Шу нуқтаи назардан қараганда, шоирнинг руҳий оламида рўй берган ўзгаришлар, изтироблар, тушкунлик ёки хушнудлик ҳоллари унинг ижодида турли кайфиятдаги шеърларнинг майдонга келишига сабаб бўлган.

Шуҳрат “*Тулки ва қуён*” масалини ёзишда машҳур рус масалчиси И.А.Крылов масалларидан, ўзбек ҳажвнавис шоир Гулханий масалларидан илҳомланганлиги сезилиб туради. Зеро, Шуҳрат масалини ўқиганимизда рус шоирининг “*Бўри билан тулки*” масали хотирага келади. Аммо бу ҳол Шуҳратнинг бу ва бошқа масалларининг Крылов масаллари тарзида ёзилганини англамайди. Шу ҳол Шуҳрат масалларининг оригинал масаллар дейишимизга тўла асос беради.

Шуҳратнинг “*Тулки ва қуён*” масалидаги *тулки* образи, умуман, мунофиқлик, виждонсизлик, иймонсизликнинг жонли тимсолигина эмас, шоир тулкидек мунофиқ кишиларни кўп кўрган. Уларнинг бири шоир асарларидан сиёсий хатоларни “топиб” миллатчиликда айблаб Москвага, “Правда” газетасига 20-25 варақли тухматномасини юборган бўлса, иккинчиси, бу хатнинг Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокамасида тухматчини қўллаб-қувватлаган. Учинчиси эса шоир сиёсий айблар билан қамоққа олинганида терговчига шоирга қарши кўрсатма берган. Шуҳратнинг бу масалида реал кишиларнинг мунофиқлиги *Тулки* образида мужассамланган бўлса, бошқа масалларида ҳам шундай имонсиз кимсалар турли ҳайвонлар образида ўз абадиятини топган.

“*Қурбақа*” масали ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан шоирнинг тулки ҳақидаги масалидан қолишмайди. Мушоҳадага, образли тасвир воситаларига бой бўлган бу масал шоирнинг масалнавислик ижодида янги саҳифани очди. Шоирнинг бу масални ёзишдан мақсади, бизнингча, “*Ит бўлиб хуришга розиман ҳатто, Қурбақа бўл деса, розиман, майли*” деган мисраларда ўз ифодасини топган. Шоир учун энг оғир нарса ўлим эмас, балки миллатнинг назар-эътиборидан қолишдир. Кимгадир ёки кимларгадир ёмонлик қилган кимса гарчанд подшонинг қаҳр-ғазабидан омон чиққан бўлса ҳам, эл-у юрт қарғишига қолиб келганки, бу унинг учун ўлимдан ҳам даҳшатли ҳолдир. Шуҳрат шу масалида шундай зотларнинг разиллигини *Қурбақа* образида рўй-рост кўрсатган. Шоир фикрича *қурбақага* айланган инсонлар Яратганнинг жазосига маҳкум, уларнинг ифлос ҳаёти бошқалар учун ибрат бўлмоқлиги лозим, деган ғояни масалда уқтиради, ўқувчининг ҳар бир хужайрасига сингдиргандек бўлади. Муаллиф ҳаёт шундай мураккаб хилқатки, агар иродаси заиф бўлса, ҳар қандай забардаст, полвон кишининг ҳам бу курашдан иборат майдонда мағлуб бўлиши ҳеч гап эмас, деган фалсафий қарашлари билан ўртоқлашади. Шоир “*Бўри эди, тулки бўлди*” деган ҳажвий шеърида ҳаромхўр кишининг янада жирканч қиёфага кириши мумкинлигини тасвирлаган.

Аҳмад Яссавий:

¹ Рубинштейн С. Основы общей психологии. – Питер, 2000. – С.13.

*Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур¹, –*

деган сатрларида нафсинг – ички душман, душман бўлганда ҳам жуда катта душманлигини, унга тобе бўлиш, енгилиш натижасида инсондаги бутунлик синиб, маънавий осойишта ҳаёти барҳам топиши мумкинлигини назарда тутган. Шеър қаҳрамони Алижон полвон эса, Яссавий таъбири билан айтганда, нафс кули, ҳаёти издан чиққан кимсадир. Инсон зоти яралибдики, яхшилик (эзгулик) билан ёнма-ён ёмонлик (тубанлик) бирга яшаб келади. Шоир Алижон полвон характериға хос иллатларни шеърда аёвсиз фош этар экан, салбий образ бутун бўй-басти билан гавдаланади. Алалхусус, “Нодон – эшак. Балки эшакдин ҳам камрак. Эшакка ҳар не юкласанг кўтарур ва қаён сурсанг ул ён борур, ақл ва тамиз даъвоси йўк. Машаққати миннатсиз ва суубати кулфатсиз. Нодонни эшак дегандин мутахаййир, эшак қошида ямон ва яхши деган бир:

*Бирида мунча ҳунар, ул бирида мунча уюб,
Қайсининг хўб эканин, аҳли хирад билгай хўб², –*

деб куйлаган Алишер Навоийнинг эшакдек нодон лирик қаҳрамони қайсидир маънода Шухратнинг “*Бўри эди, тулки бўлди*” шеъри қаҳрамони Алижон полвонни ёдга солади. “*Хира паиша*” хажвий шеърда шоир олға сурмоқчи бўлган ғояни шеърнинг сўнгги тўртлигида “...ифоданинг истиорали усули, яъни сўз маъносини бошқа предметға кўчириш, шама, киноя ёки рамзларнинг яратилиши”³ да кўриш мумкин.

Диссертациянинг “**Лиро-эпик ва драматик асарларда халқона пафос ифодаси**” деб номланган иккинчи бобида шоирнинг баллада, дoston ва сахна асарлари таҳлил этилган. Бобнинг “**Баллада ва дostonларда халқона поэтик тафаккур**” деб номланган биринчи фаслида Шухратнинг “*Орзу ва қасос*”, “*Фарзанд*”, “*Сўлмас чечаклар*”, “*Хотин қалби*”, “*Мангулик*” каби баллада ва дostonлари тадқиқ қилинган. Шундай асарларидан бири - “*Фарзанд*” дostonи, бир қарашда, Иккинчи жаҳон уруши мавзусига бағишланган бўлиб кўрсинса-да, асар замирида, шоирнинг тоталитар тузум билан боғлиқ армонлари, изтироблари, ўша даврда эскилик сарқити, миллатчилик деб қораланган миллий қадриятларимизнинг топталгани билан боғлиқ сатрлар устиворлик қилган. Масалан:

*Жиноятми, айтинг, ёронлар,
Ота қабрин қилмоқ зиёрат?
Жиноятми, қилмак ибодат...
Жиноятми, ота ҳурматин,
Ватан меҳрин қилмоқ тантана?⁴*

Тоталитар тузум миллатимизға хос бўлган урф-одатлар, қадриятларнинг авлоддан-авлодға элтувчи халқнинг сараларини қириб ташлади. Улар манглайига “халқ душмани” деган тамға урилди. Улар номини тилға олиш,

¹ Яссавий А. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи И.Ҳаққул. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. –Б.102.

² Навоий А. Маҳбуб ул – қулуб. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б.75.

³ Тамарченко Н. Теория литературы. – М.:Академия, 2004. – С.143.

⁴ Шухрат. Дostonлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б.96.

улар асарлари ўқиш тақиқланди. 1956 йилда Сталин шахсига сиғинишнинг фожиали оқибатлари юзага чиқиб, адабиёт оламидаги жабрдийдалар оқланганларидан кейин ҳам 1937 йил жаллодлари Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад сингари Чўлпон ва Қодирийнинг издошларига тинчлик бермадилар. Шунга қарамай, Шухрат шу мавзунинг қирраларини “*Орзу ва қасос*” достони ва бошқа асарларида ҳам ёритишда мардонавор давом этди. Шоир достонида ҳаётдаги ноҳақликларига дадил қарши чиқа оладиган, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила биладиган ишни ўз бурчи деб биладиган ҳақиқатпарвар йўлбошчи – Самад образини катта меҳр билан яратди. Мана, уни қийнаган масалалар... Мана, халқнинг осуда ва бахтли ҳаётига ўтмиш соясини ташлаб турган ва лирик қаҳрамонни минбарга чорлаган масалалар...

*Етар энди шунча разолат,
Борми бизга фарозат тонги?
Ёки ҳамон босиб ётарми
Сийнамизни дард-зулмат занги?..
Қани шафқат, қани адолат?
Қани инсон қадри-қиммати?!...
Жиноятми, зулмга қарши,
Мардонавор “ҳақ!” -дея қураш.*

Шухрат “*Гулдурсун*” балладасида Кўҳна Хоразм тарихини варақлаб, ўз “муҳаббати”, тўғрироғи, ҳайвоний ҳирси учун халқини сотган, ватанфуруш кимсанинг башарасини очиб ташлаган. Бизнингча, бу мавзуларни ёритишдан шоирнинг ўз олдига қўйган бирдан бир мақсади шуки, инсон ҳеч қачон *Инсон* деган шарафли унвонига доғ туширмаслиги, иймон-этикодидан айрилмаслиги, олдига қўйган катта мақсадидан адашмаслиги керак. Шу ғоя балладанинг бошидан охирига қадар ҳалқа ип бўлиб ўтади.

Сирасини айтганда, бу ғоя Шухратнинг аксар шеърӣй ва насрий асарларида ҳам турли шаклда – гоҳ қаҳрамонларнинг шиддатли нутқи, гоҳ лирик кечинмалари, гоҳ ғоявий рақиби билан қилган баҳсларида акс-садо бериб туради. Шухрат ҳаётлик пайтида ҳам шу ғоя билан йўғрилган фикрларини ўқтин-ўқтин такрорлаб, армон тўла қалбини бўшатиб оларди. Бинобарин, шу ғояни нафақат Шухрат ижодининг, айни пайтда ҳаётининг ҳам лейтмотиви, дейишимиз мумкин.

*Ёв келдимми ўлкага босиб, ўғринча,
Ёвга ёвча қарши тур, умринг борича.
Эрксиз ўтган бир йилдан озод он яхши!
Душман тутган ол гулдан тарки жон яхши!
Қачон, ахир, қафасда сайрабди булбул?!
Қачон, ахир, зулматда яшнабди бир гул?!.*

Кўрамизки, бу мисралар шоирнинг зулмга, золимга, босқинчига бўлган исёни, бир сўз билан айтсак, қатағон қурбонлари Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирлар ғоявий қарашларининг, улар ижодида балқиб турган эрк ва ҳуррият ғояларининг давомидек акс-садо бериб туради.

Бобнинг “*Драматик асарларда халқона пафоснинг эстетик моҳияти*” деб номланган иккинчи фаслида Шухратнинг “*Беи кунлик кув*”, “*Кўша*

қаринглар”, “Она қизим”, “Дўстимнинг ўғли” сингари драматик асарларидаги халқона пафос негизларни аниқлаш, уларда олға сурилган ғоянинг миллий қадриятлар, анъана ва янгиликлар, бадиий санъатлар билан узвий алоқадалиги таҳлил қилинган. Драматик асарлар сахна учун ёзилганлиги сабабли қаҳрамонлар нутқи, драмада олға сурилган ғоя халқона пафос билан йўғрилган бўлса, томошабинлар қалбига тезроқ етиб боради. Шу маънода ғоя ва пафос бир дарахтнинг икки шохидир. Асар ғояси негизи пафос билан боғлиқ бўлади. Пафос асар қаҳрамонининг воқеалар силсиласидаги ўрнини, унинг юрагидан отилиб чиқаётган жўшқин фикр ва қарашларга кўтаринкилик бағишлайди, бош қаҳрамон олиб борган курашнинг адолатли кураш эканлигига томошабинни ишонтиради ёки ишонтиришга мажбур этади.

Хуллас, театр, драматург ва актёр томошабинни кўринмас ишлар билан ушлаб олиб, унинг қалб торларини, керак бўлса, кўтаринки, керак бўлса, тушкун куйни ижро этишга сошлаб боради. Аммо ҳар икки ҳолда ҳам спектакль (драма)нинг финали томошабиннинг театр залидан яхши кайфиятда чиқиб кетишини кафолатлайди. Шуҳрат томошабинни гипнозловчи театрнинг шу хусусиятини яхши билади ва сахна асрларини ёзганида шу феноменни назарда тутаяди.

Шуҳратнинг “Қўша қаринглар” комедиясида Жавлон хотини Тасаддиқхоннинг ортидан бориб, касалхонада ўлим билан олишаётган бир ёш бемор йигитнинг бошига қўлини қўйиб ўтирган ҳолатини кўриб, ич-этини ейиши, жуфти ҳалолига шубҳа билан қараши, натижада тинч ва осуда кечаётган ҳаётининг издан чиқиши аччиқ кулгили ҳолатда тасвирланади. Маълумки, сахна учун ёзилган асарларда қаҳрамон қиёфаси, характери насрий асарларда бўлганидек муаллифнинг ҳикояси, тавсифномаси, портрет тасвири орқали очилмай, балки қаҳрамоннинг бошқалар билан муносабати, бошқа персонажларнинг эса у ҳақидаги сўзлари, унга бўлган муносабати орқали очилиб боради. Тасаддиқхон билан Жавлоннинг диалогидан эрининг калтабин, қалби нопок инсон эканлиги маълум бўлади. Жавлоннинг аёлларни билар-билмас қоралашига жавобан Тасаддиқхон бундай дейди:

Тасаддиқхон (жаҳл билан). Бузуқ эркак-чи?

Жавлон (истеҳзо билан). Эркакка ҳеч нарса эмас, жуда ошиб кетса, “хотинбоз” дейишади. Бу унчалик айб эмас. Эркакнинг фаритаси улуг¹.

Жавлоннинг бу фикрлари Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Ҳомиднинг “Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ... хотинларга “эр” деган исмнинг ўзи кифоя... мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қил! Буниси ҳам келишмаса, учинчисини ол..”², – деган қарашларини ёдга солади.

Собитҳафсаланинг Тасаддиқхонга уйланмоқчи бўлган ўғли инженер эканлигини билган Тойлоқхўжа Жавлонга “*Бир машина гишт фалон пул! Обрезной тахта-чи? Бир машинасини оширса борми... Битта мактабнинг*

¹ Шуҳрат. Беш кунлик куёв. Пьесалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б.7.

² Қодирий А. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 2014. – Б.10-11.

завхози мен шунча ишни қилиб юрибман-ку”, – сўзларидан жамиятда ўша пайтда урчий бошлаган порахўрлик, давлат мулкига хиёнат қилишлик каби иллатларни моҳирлик билан персонаж нутқи орқали ошкор қилиниши драманинг ижтимоий аҳамиятини оширган. Комедияда ички бўқоқини даволатиш учун касалхонага ётишга мажбур бўлган Тасаддиқхоннинг боласини Жавлонга қараб туриш учун ташлаб кетиши асар драматизмини кучайтирган. Драматург асар қаҳрамони тушган мураккаб вазиятнинг юз берганини айтиш баҳонасида, ҳам ишлаб, ҳам рўзғорга қараб, ҳам бола боқаётган аёл зиммасидаги оғир рўзғор ишларини санаб берар экан, шунча залворли юкни нозик елкасига кўтарган аёлларга эркаклар илиқ ва самимий муносабатда бўлиш кераклигини кўрсатиб беради.

Шухратнинг *“Дўстимнинг ўғли”* асарини ҳам юқоридаги драмалар катори “даврнинг долзарб маънавий-ахлоқий муаммоларини бадий тил орқали ёритишга, жамият, тузум маънавий-ахлоқий жиҳатдан таназзулга учраётганини кўрсатишга, бундан огоҳ этишга бағишланган”¹ асарлар сирасига қўшиш мумкин. Драмада зиё масканида порахўрлик қилган институт профессор-ўқитувчиларининг аянчли аҳволи тасвирланади. Эртаиндин тўйи бўлиши керак бўлган Интиқом қилган ножўя иши учун қамалади. Уйланадиган қизининг тоғаси, қолаверса, дадасининг фронтда бирга жанг қилган ўртоғи, прокурор “Ҳаммага яхши кўринадан деган одам ҳеч қандай эзгу иш қила олмайди, чунки ёмонликни ҳақорат қилмасдан, унга қарши курашмасдан туриб, яхшилик ва эзгуликни юзага чиқариш мумкин эмас”²лигини билган Ўткир Қиличев узил-кесил бир хулосага келиб, юзхотир қилмай, уларнинг ишини судга оширади. Бу драмадаги конфликтнинг янада кучайишида муҳим роль ўйнаган. Шухрат драмалари мазмунида халқимиз тафаккури, руҳияти ва амалларидаги умумий жиҳатлари, улардаги қайтарилмас ўзига хослик, драматизмда монолог ва диалогларида намоён бўлган.

Диссертациянинг **“Ижодий услуб ва ўзига хослик”** деб номланган учинчи боби Шухрат ҳикоя ва қиссаларида сюжет ва образ яратиш, бош қаҳрамоннинг индивидуал табиати талқини масалаларига бағишланган. Бобнинг биринчи **“Ҳикояда сюжет ва образ яратиш маҳорати”** деб номланган биринчи фаслида адибнинг *“Балогат”*, *“Алданмиш”*, *“Дакки”*, *“Баҳриниса”*, *“Қудуқ”* ҳикоялари тадқиқ этилади. Муаллифнинг *“Балогат”* ҳикоясининг ўзига хослигини таъминловчи асосий воситалардан бири оҳангдир. Ҳикояда бош қаҳрамон Ўлмасхон руҳий оламида кечаётган ғалаёнлар ҳаётини вазият туфайли вужудга келган ва адиб томонидан ишонарли тасвирланган. Адиб асар қаҳрамонини тўлақонли образ сифатида яратиш учун инсон руҳиятини яхши билмоғи лозим. Сабаби **“Қаҳрамон – бу қуюлма (прототип, изоҳ бизники Н.С.). Уни яратиш учун юзлаб одамларни учратиш керак, бироқ бу учрашувлар камлик қилади – қуюлмани яратиш учун автор ўзидан бирон нарса қўшиши керак”**³, – деган қарашга амал

¹ Назаров Б. Абдулла Қаҳҳор бадий ҳақиқати // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. № 4. – Б.7.

² Қосимов У. Ҳақгўйлик ва халқчиллик ибрати // Тил ва адабиёт таълими. №11. 2009. – Б.75.

³ Умунов Ҳ. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. –Т.: Фан. 1983. – Б. 81.

килади. Шухрат Башорат образини яратиш учун жамиятдаги ўнлаб прототипларни кузатди, ўрганди. Натижада мукамал образ яратишга мувоффақ бўлди.

“Адабиёт шундай борлиқки, унга қараган киши (миллат) кўзгуга боқиб, ўз ҳолини кўргандек бўлади”¹. Адибнинг “*Алданиш*” ҳикояси худди шундай ҳаётий конфликт асосида яратилган бўлиб, унда жамиятда кўпайиб бораётган нохуш ҳодисаларни кўрамиз. Ҳикоя институтнинг аспирант-ўқитувчиси Носиржон билан универмаг сотувчиси Назокатхон ўртасидаги муносабат асосига қурилган. Ҳикояда Назокатхоннинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари ёзувчи томонидан катта дард билан, хайрихоҳлик билан тасвир этилган. Носиржон руҳиятида содир бўлаётган ички қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар ҳикояда ёрқин тасвирланган.

Агар ҳикоянинг 1957 йилда ёзилганини ҳисобга олсак, ёзувчи жамиятга кириб келаётган порахўрлик, таниш-билишликнинг ёмон иллат эканлигини, бу иллат урчий бошласа, уни йўқотиш осон эмаслигини тушуниб, гўё замондошларини огоҳ бўлишга ундагандек бўлганлигини кўриш мумкин.

Шухрат ҳикояларининг аксариятида иродаси кучли, диёнати мустаҳкам, иймон-эътиқодли қаҳрамонлар тасвирланади. Яна шуни қайд этиш керакки, адиб ҳикояларида батафсил баён қилиш йўлидан бормайди. “Чунки ҳикоя жанри батафсил баённи кўтармайди”². Қисқа, аммо таъсирли бадиий лавҳалар ҳикоянинг бадиий қимматини оширади. Адибнинг “*Даққи*” ҳикоясини шундай асарлар сирасига киритиш мумкин. Ҳикоянинг энг аҳамиятли жойи бош қаҳрамоннинг кампирнинг жаврашларига жавобан айтган сўзлари бўлса ажаб эмас. Ҳикоядаги Рустам отанинг сўзлари адибнинг қалбида оғир дард бўлиб келаётган сўзлардир. “*Йигит деган шунақа қилиб тишийдди. Пишиган лойнинг чинниси тоза бўлади. Уларнинг оёқ яланг лой кечиб, колхознинг оғир хизматини қиладиган пайти. Ҳа, сен унинг ёнбошига пар ёстиқ қўя берма, эртага тўрга чиқиб олиб, қизингга “Мени ишлаб боқ!” дейди. Ўшанда нима қиласан? Уйингга кўчириб олиб келиб боқасанми?*” (431). Рустам отанинг бу сўзлари китобхонни ўйлашга мажбур қилади. Дарҳақиқат, Рустам отадек инсонлардан даққи эшитмай, катта бўлган кимсалар бугунги кунда худди, ота айтганидек, ўлигини аёлига юклаб, уйга кириб олганки, асарга шундай кишиларнинг қаҳрамон қилиб олиниши асар ёзилган давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қолаверса, айтиш керакки, бу мавзу, бу масала бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шухратнинг “*Баҳриниса*” ҳикоясидаги, М.Кўчқорова ёзганидек, “...қаҳрамон руҳиятини очишда асосан қарама-қарши туйғулар коллизияси етакчилик қилади. Натижада руҳий тасвирда ҳар томонлама ишонарли, ёрқин образлар ва характерлар яратилганини кузатиш мумкин”³. “*Қудуқ*” ҳикояси композиция жиҳатидан ихчам, лекин ғоявий жиҳатдан сермазмун асарлар сирасига киради. Ҳикоядаги Жамшиднинг буваси образи ҳаётий ҳақиқат ва бадиий тўқима уйғунлигида тасвирланган. Жамшиднинг буваси

¹ Ҳамдамов У. Руҳни уйғотувчи сўз. –Т.: 2017. –Б.3.

² Каримов Ҳ. Наср бахшиси. –Т.: Янги аср авлоди, 2003.–Б. 11.

³ Кўчқорова М. Замонавий прозада руҳият талқини // ulug'bekhamdam.uz 18.04.2013.

образининг рухий-психологик ҳолати бошқа персонажлар билан бўлган муносабатида ёрқин очилади. Худда шу жараёнда буванинг ички оламидаги кечинмалар ҳам юзага чиқиб қаҳрамоннинг инсоний моҳияти ёрқинлашади. Адиб ҳикояларидаги қаҳрамонлар тафаккури, дунёқараши, рухий дунёсига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бу қаҳрамонлар бутун чигаллиги, мураккаблиги ва ўзига хослиги, ютуқ ва камчиликлари билан реал тасвирланган.

Бобнинг “Қиссада бош қаҳрамоннинг индивидуал табиати таҳлили” деб номланган иккинчи фаслида “Бир кеча фожиаси”, “Яхши ниятли киши”, “Чанқоқлик” асарлари таҳлилга тортилган. Асар қаҳрамонларининг индивидуаллиги масаласи муҳим илмий-назарий масалалардан биридир. Шухрат “Бир кеча фожиаси” қиссасида инсон қисматини Назокат рухий-психологик кечинмаларини тасвирлаш орқали очиб беради. Маълумки, ҳаётини воқелик бадиий асар сюжети учун асос ҳисобланади. Лекин ёзувчилар ҳаётда рўй берган бирор муҳим воқеани қаламга олганларида шу воқеага турли нуқтаи назардан ва, аввало, ўзларининг бадиий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда шундай асарлар яратишлари мумкин. Бундай асарлар фақат сюжет чизиқлари билангина эмас, балки қаҳрамонларининг характери билан ҳам бир-биридан кескин фарқланиши мумкин. Бу ёзувчининг позицияси ва маҳоратига боғлиқ масаладир. Ҳаётини воқеликнинг ижодкор томонидан ғоявий ва бадиий тафовутланиши натижасида адабиётда янги типлар, янги образлар олами майдонга келиши мумкин.

Ёзувчининг ўзига хос услуб эгаси эканлиги, қиссада келтирилган булбул ҳақидаги афсона билан қолиплагани¹ да кўринади. “Ўткан кунлар” романида ҳам шундай ёзувчи услубини уста Алим тилидан сўзланган “муҳаббат ишқи” ҳикоятида кўриш мумкин. Мушкул воқеалар гирдобидан қолган Отабек ўз бошидан ўтказган уста Алимнинг ҳикоясини тинглар экан, унинг бошига ёғилган кулфатлар олдида ўзиники ҳеч нарса, – деган қарорга келган бўлса², Ҳимматилласининг назаридан қола бошлаган Назокат эса айбни ундан эмас, ўзидан кўради.

Ошиқ ва маъшукнинг бир-бирларига мактуб йўллаши мумтоз адабиётда кенг тарқалган анъана. Бу мактублар романтик руҳ, шоирона оҳанг, хассос муҳаббат туйғуларига йўғрилган бўладик, биз бу ҳолни Шириннинг Фарҳодга, Лайлининг Мажнунга, Кумушнинг Отабекка йўллаган мактубларида ҳам кўраимиз. Агар Лайлининг Мажнунга ёзган хатига эътибор қаратсак, бу фикримизнинг тўғри эканлигига амин бўламиз: “Хитой нақшларига ўхшаган бу сатрлар мен зору мубталодан, балодан қутулмаган сенгадир... Ўша билан хуррам бўлган чоғларингда бу хастани ҳам гоҳ-гоҳ эслаб қўй! Инсофни ҳам тарк этмагин, мени ҳам бир йўла унутиб юборма!”³.

Лайли Мажнунга ёзган бу мактубида ўтинч ила инсоф тилагандек, Назокат Ҳимматилладан “Туноҳим сени севганим, илтимосим сендан бегона

¹ Қаранг: Шухрат. Танланган асарлар.–Т.: Sharq, 2019.– Б. 678.

² Соатова Н. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида эпик тасвир анъаналари.– Филол.ф.н.диссер.–Т., 2001.–Б. 51.

³ Навоий А. Лайли ва Мажнун. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1990.–Б. 316-318.

бўлмаслик. Шафқат қил”, – дея ўтинади. Қиссада адиб бадиий образлар – Назокат, Ҳимматилла, Сатимхоннинг индивидуал хусусиятларини кўрсатиш орқали воқеликни конкретлаштиради. Бу ҳолат асарга жонлилик, ҳаётийлик, табиийлик бахш этиб, ўқувчи ҳиссиётига таъсир қилади, уни ишонтиради. Қиссада ҳаёт ҳақиқатининг реал талқини фожиали воқеаларга узвий боғланиб кетгани учун ҳам қисса бадиий жиҳатдан мукамал чиққан.

Юқорида қайд қилинган хусусиятлар адиб асарларидаги турли тоифадаги қаҳрамонларнинг образларида ўз ифодасини топган. Назокат, Ҳимматилла, Сатимхоннинг ўзига хос индивидуал характерларини адиб қиссада ишонарли тасвирлайди. Демак, “...санъаткор муайян мавзуга қўл уриб, воқеликни маромига етказиб тасвирласа, ҳар қандай инсон кўнглига ўтиради, кўпчиликни ўйлантиради, қалбига завқ, тафаккурига юк”¹ беради. “Бир кеча фожиаси” қиссасини ҳам ҳеч иккиланмай шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Шуҳрат услубининг ўзига хослиги, қиссаларида инсон қисматини, руҳий ҳолатини кўрсатувчи воқеа ва ҳолатлар қаламга олинишида яққол ўз ифодасини топади. Бу ҳолат адибнинг Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвирига бағишланган “Яхши ниятли киши” ва “Чанқоқлик” қиссаларида тўлиқ намоён бўлган. Адиб бу қиссаларида бош қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни шундай тасвирлайдики, китобхон бу воқеалар ҳақиқатдан ҳам қаҳрамон ҳаётида рўй берганига астойдил ишонади. Ёзувчи у ёки бу қаҳрамон характерини тасвирлар экан, унинг халқ билан, тасвирланаётган тарихий давр билан алоқасини кўрсатишга алоҳида эътибор беради.

“Бош қаҳрамонларнинг романтик кўтаринкилиги, улар туйғулари ва ахлоқий принципларининг мусаффолиги гўзал ва илҳомбахш намуна бўлиб қолади”². Шуҳрат “Бир кеча фожиаси”, “Яхши ниятли киши”, “Чанқоқлик” қиссаларида қаҳрамон образини яратишда руҳий-психологик тасвир, индивидуаллаштириш усуллари кўллаган. Натижада, мазкур асарлар орқали адиб услубининг ўзига хослигини кўрсатган ва асар муваффақиятини таъминлаган. Айтиш мумкинки, ёзувчи қиссаларида бош қаҳрамон руҳий ҳолатининг тасвири ишонарли чиққан, характерни беришда эса алоҳида феъл-атвор ва муомала, ҳис-туйғуга бой ва тафаккур эгаси бўлган шахс сифатида намоён бўлган. Шуҳратнинг тилга олинган қиссалари ўзбек қиссанавислигини бойитишга хизмат қилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек романчилиги тараққиётида Шуҳрат романларининг аҳамияти ва бадиий янгилиниши”** деб номланган тўртинчи бобида Шуҳрат романларининг майдонга келишида тарихий ҳаёт ва воқелик, халқ оғзаки ижодиёти унсурлари ҳамда мумтоз адабиётнинг бой анъанаси билан бирга рус ва жаҳон романчилигининг бир қанча жиҳатларининг акс этиши таъқосланган. Яна бир ўта муҳим унсур – Абдулла Қодирий адабий-эстетик тажрибаларини ҳам алоҳида ўзлаштиргани ўрганилган. Адиб романлари куйидаги тамойиллар асосида таҳлилга тортилган: “Шинелли

¹ Карим Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2016. –Б.41.

² Пархоменко М. Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада. –М.: 1974. – стр. 368.

йиллар” романида бадиий ғоя ва тасвирнинг ҳаққонийлиги масаласи давр нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда очиб бериш; “Олтин зангламас” романидаги фольклоризм, хусусан халқ мақоллари ва мумтоз адабиёт таъсири масаласини ўрганиш; ёзувчи ижодига Абдулла Қодирийнинг ижодиёти таъсирини ёритиш; Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Шухратнинг образ яратишда ўхшаш ва фарқли жиҳатларини белгилаш; “Жаннат қидирганлар” ва “Машраб” романларининг яратилишида тарихни реал тасвирлаш ва бу борадаги адиб маҳорати кўрсатиш.

Бобнинг “*Бадиий ғоя ва тасвир ҳаққонийлиги*” деб номланган биринчи фаслида “Шинелли йиллар” романи таҳлилга тортилган. Шухрат романларининг баъзи жиҳатлари юзасидан О.Икромов, О.Тоғаев, У.Норматов, Қ.Қаҳрамонов сингари олимларнинг фикрлари бор¹. А.Азимовнинг тадқиқотида “Олтин зангламас” романида ижобий қаҳрамон масаласи ва асар бадиияти ёритилган бўлса, романларидаги ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари ва муаллиф позицияси каби масалалар Н.Каримованинг тадқиқотида ўрганилган. М.Ядгарованинг диссертация ишида “Олтин зангламас” романи ижодий биографияси тарихийлик ва бадиийлик мезони доирасида яхши очиб берилган².

Шухрат “Шинелли йиллар” романида 1941-1945 йиллардаги уруш воқеалари, халқимизнинг мардлиги, босқинчи ёвга қарши бирдамликда қаҳрамонона курашиб, ғалабага эришишга ҳисса қўшгани реал тасвирлаб берган. Романда воқеликни “юрғизиш” манераси ўзига хос бўлиб, бу асарнинг бадиий қимматини оширган. Мазкур ҳолат асарнинг композицион тузилишида марказда турувчи – Элмуроднинг ҳаёт йўли, ахлоқий қиёфаси, маънавий дунёси, кечинмалари ва бошқа типик хусусиятлар душманга қарши курашда, дўстларига бўлган муносабатларида, оғир ва даҳшатли дамларда бирма-бир очилиб боради. Элмурод Иккинчи урушида матонат ва қаҳрамонлик кўрсатган жангчининг типик вакили сифатида китобхон кўз ўнгида гавдаланади. Романда адиб воқеликни бўямайди, балки урушда воқеаларини қандай бўлса шундайлигича реал акс эттиради. Масалан, асар қаҳрамонларидан бири – Мамажон Турдиев образини олайлик. Бу образ қайсидир маънода, Абдулла Қаҳҳорнинг “Олтин юлдуз” қиссасидаги Аҳмаджон Шукуров образига ўхшаш. Қаҳрамон Мамажон ҳам худди Аҳмаджонга ўхшаб содда, “тўпори, қишлоқи йигит” ва халқона одатларга кўниккан. В.Белинскийнинг “Урф-одатлар халқнинг қиёфасидир, уларсиз халқ – қиёфасиз образдир”³, – деган қарашини шу ўринда жуда ўринлидир. Ҳақиқатан, халқона образни яратишда ўша халқнинг фикрлаш тарзи, дини,

¹Икромов О. Шухратнинг “Олтин зангламас” романи Улуғ Ватан уруши даврининг бадиий ифодаси сифатида. Самарқанд профессор-ўқитувчиларнинг II илмий конференция материаллари. –С., 1963; Яна ўша. Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1973; Тоғаев О. Олтин зангламас // Гулистон, №8. 1967; Норматов У. Шухрат. –Т.: Бадиий адабиёт, 1969; Яна ўша муаллиф. Ижод сеҳри. –Т.: Шарқ, 2007; Қаҳрамонов Қ. “Олтин зангламас” романида давр ва шахс талқини // Шарқ юлдузи, 2003. № 3.

²Азимов А. Шухрат ижодида қаҳрамон проблемаси: Филол.ф.н., дисс. –С., 1975; Каримова Н. Идеино-эстетическая позиция писателя (по романом Шухрата): Филол.ф.н., дисс. –Т., 1982; Ядгарова М. Шухратнинг “Олтин зангламас” романи ижодий биографияси: тарихийлик ва бадиийлик. Филол.ф.доктори (PhD) дисс. –Т., 2021.

³Белинский В. Адабий орзулар. –Т.: Бадиий адабиёт, 1977. –Б. 6-7.

тили билан биргаликда урф-одатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ёзувчи Мамажоннинг характерини тасвирлар экан, уни ирим-сиримларга жуда ишонувчи, лекин табиатан софдил, кўнгли бўш инсон тарзида романга олиб киради¹.

Бобнинг “*Фольклоризм ва адабий таъсир*” деб номланган иккинчи фаслида адибнинг “Олтин зангламас” романидаги халқ оғзаки ижоди анъаналари, аниқроғи, мақолларнинг қўлланиши ва айрим адабий таъсир масалалари ўрганилган. Маълумки, бадиий асарда мақоллар, ҳикматли иборалардан фойдаланиш асарнинг ифода кучи ва баён қамровини ошириб, фикрни образли бера олишни таъминлайди. “Характерлар моҳиятини, уларнинг руҳий олами ва хатти-ҳаракатини тўлдириш, тасдиқлаш мақсадида ёзувчи улар нутқида оддий фольклоризмларни – халқ мақол ва маталларини ўринли қўллайди”². Халқнинг бой ижод дурдоналарининг ҳар бир сатрида минг бир ҳикмат мужассам. Мисол учун, ўзбек халқ мақоллари орасида оила ва қўшничилик ҳақида “Қўшнининг товуғи ғоз кўринар, Келинчаги – қиз”³ деган мақол мавжуд. Ёзувчи ушбу мақолдан Мирсалим образининг нозик жиҳатини тасвирлашда, Содиқнинг янги мактабда олиб борган ишларини кўрсатишда ишлатган: “Қўшнининг товуғи ғоз кўринади деганидек, Содиқнинг бу оддий ишлари Мирсалимнинг кўзига уни бир поғона кўтариб қўйди?”⁴. Адиб бу ўринда халқ мақолнинг биринчи қисмини келтириш билангина ўз мақсадига эришган. Яъни, воқеликни кучайтиришга муваффақ бўлган. Яна, Мирсалим образини ёрқинроқ беришда Жаннат нутқида “*Бир очилиб ёққан ҳаводан, бир кулиб боққан одамдан кўрқ*” мақоли ўринли ишлатилган. Ёзувчи ўзига хос тарзда Адолат хола келини Мушарафнинг кўнглини кўтариб, ғамини аритиш мақсадида насихат қилиб сўзлаган бир неча ҳикматли ибора ва мақолларни қўллаган. Бу билан эса ёзувчи асарга фалсафий-дидактик руҳ бағишлаган ва тасвир эмоционаллигини оширган:

“*Балого сабр, қазога шукр керак, жон болам. Ўзингизни ўтга, сувга ургангизнинг нафи йўқ*” (499), “*Банда қилса маломат, худо қилсин саломат, жон болам. Қиш ёзсиз бўлмайди, бу кунлар ҳам ўтиб кетади, алақарганинг қағиллагани қолади*”, “*дўст куйиб гапирса, душман ошириб гапиради*”(501). Шу билан бирга, асарда яна бошқа кўплаб халқ мақоллари ва ибораларидан ўринли фойдаланилган. Жумладан: “*Қўшнинг тинч – сен тинч*” (313), “*Сабр сўнгги – сариқ олтин*”(338) “*Дононинг йўталида ҳам ҳикмат бор*” (362) “*Хотинни бошидан, балони ёшидан тут*”(374), “*Пули бор фармон билан, пули йўқ армон билан яшайди*” (316), “*...кўча хандон, уй зиндон*” (377), “*Отгани ўқи кўргани кўзи йўқ*” (377), “*Итдан бўлган қурбонликка ярамайди*” (379), “*...беванинг туянинг устида ит қопади*”, “*суйса суйгундай, куйса куйгундай* (381), “*оёғи катта сизганни, оёғи калта севганни кияди*” (382), “*Ёлгоннинг тахтида шоҳ бўлгандан, ростгуйнинг*

¹ Қаранг: Шухрат. Шинелли йиллар. Адабиёт ва санъат, 1968. –Б.78.

² Носиров О., Собиров О. Халқ ижоди хазинаси. – Т.: ҒАҶН, 1986. –Б.138.

³ <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-xalq-ogzaki-ijodi/uzbek-xalq-maqollari>.

⁴ Шухрат. Ўзим ҳақимда икки оғиз сўз. Танланган асарлар. 3 томлик. 1 том.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1969. –Б.357.

чорбоғида гиёҳ бўл” (396), *“Бир очга, бир касалга тегма”* (420), *“Қиз хотин уй хотин, жувон хотин йўл хотини!”* (452), *“Эрка қилиб боқилган текис ерда қоқилар”* (455), *“...яхши хотин жон озиғи!”* (455), *“бели боғлиқнинг дили боғлиқ”* (457), *“Текиннинг миннати кўп, меҳнатнинг зийнати”* (464), *“Отасининг очган йўли, онасининг бичган тўни торлик қилиб қолди”* (464), *“Кафан кийган кетади, капалак кийган келади”* (465), *“Китобсиз уй чироқсиз тун”* (466), *“Ёлгоннинг оёғи қисқа, узоққа боролмайди, бир кун миси чиқади”* (482), *“Ўладиган хўкиз болтадан тоймас”* (486), *“...пичоқ ўз сопини кесмайди”* (487), *“Темирни занг, одамни гам чиритади”* (524), *“Тўрга тушиган балиқ, қармоқдан чўчимайди”* (535), *“Қирқ йил қирғин бўлса ажали етган ўлади”* (591-бет) каби.

Бу каби ўзбек халқ мақол ва иборалардан унумли фойдаланиш фақат “Олтин зангламас” романига хос бўлмай, балки адибнинг бошқа асарларида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. “Олтин зангламас” романининг бадиий қимматини таъминлаган омиллардан бири шубҳасиз – унинг бой фольклор ва ёзма адабиётимиз анъаналарини ёзувчи томонидан муносиб давом эттира олингани ва қўллай билинганидир. Бу таъсирни асар тили, услубидан тортиб сюжет қурилиши-ю, образлар оламигача барча-барчасида кўриш мумкин ва “Ўткан кунлар”, “Сароб” ва “Олтин зангламас” романларини қиёсий ўрганиш асносида аниқлаш ва ўрганиш мумкин бўлади. Ушбу романларнинг муаллифлари характер яратиш маҳорати, ўзига хос услуб яратиш, поэтика, композиция, сюжет, тил ва бадиий тасвир воситаларини қўллашда ҳам мутлақо оригиналликка интилганлар. Шу билан бирга бу романлар орасидаги муштарак жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ёзувчиларимиз ўз романларидаги салбий қаҳрамонларнинг худбин қиёфаларини бир неча кўринишда: кўролмаслик, ҳасад қилиш, тухмат қилиш, сохта хатлар уюштириш ёки каматиш тарзида намоён этишган.

Бобнинг *“Тарихий ҳақиқатнинг бадиий талқини”* деб номланган учинчи фаслида ўз даври учун анчайин қалтис мавзу – ватангадолар қисмати ҳақидаги “Жаннат қидирганлар” романи ва тарихий мазмундаги “Машраб” романлари тадқиқ қилинган. Чет элдаги миллий уйғониш, мустамлакачиликка қарши озодлик кураши акс этган “Жаннат қидирганлар” романининг ғоясига адиб ҳақиқий жаннат – она-Ватанда бўлади, ҳақиқий бахтга она-Ватанни озод ва обод қилиш орқали эришилади, – деган чуқур маънони юклаган ҳамда буни роман сюжетининг қат-қатига сингдириб юборган. Асарда француз майорининг Аъзам билан бўлган суҳбатидаги: *“Темур тарихини яхши биламан, ўсмирлигимда кўп ўқиганман. Ажойиб саркарда. Нима учун совет тарихчилари уни тан олмайди-билмайман. Бошқаларнинг ерига киргани учунми? Наполеон, Александр Македонский бировнинг ерига кирмабдимми, қон тўкмабдимми? Нега уларни лашкарбошилар деб жар соламиз-ку, Темурга келганда қонхўр деймиз, уришқоқ қабилаларнинг бошини бириктириб, буюк бир давлат тузганини инкор этадилар... Самарқандда бўлмаганимга афсус қиламан, Римдан қолишмайди дейишади. Лекин беқаров эмиш. Москва миллий республикаларнинг тақдирига бефарқ, обидасини қадрламайди. Бир маҳаллар Бағдод билан мавҳ*

талашган Бухорони таниб бўлмайди, дейишади” деган сўзларида, ёки Абулбаракани отаси билан суҳбатида “-Мана шу гирт ёлгон. Парижлик корчалонларнинг фикри. Ваҳоланки, улар нонини туя қилиб етган бу ўлкада бир маҳаллар шунақа маданиятлар яратилиб, шунақа усули идора бўлганки, ҳозир ҳавас қилса арзийди. Ҳаммасини тупроққа қориштириб бўлдилар. Энди ўзлариникини рўкач қилиб, “шу йўлдан борсанг маъқул” деб ҳиқилдогидан бўғиб турибдилар, деган қарашлари юқоридаги фикрларга далил бўла олади.

“Машраб” тарихий романидаги Машраб образи билан И.Ғафуровнинг “Озод нафас” ҳикояси, Ҳ.Ғулумнинг “Машраб” романида тасвирланган Машраб образи қиёсланганда, айрим фарқли жиҳатлар кўринади. “Озод нафас”да Машрабнинг адабиётга бўлган қизиқишлари ҳикоя қилинса, Шухрат Машрабнинг китобга бўлган кучли муҳаббатини романнинг бир неча ўринларида турли хил тарзда берган. Ёзувчи бу ўринларда ёш Машрабнинг китобларни севиб ўқишини шунчалик санаб ўтмайди, балки кишилар билан мулоқотида жозибали қилиб тасвирлашда ўринли детал сифатида келтиради. Шунингдек, Машраб ўз хаёллари, монологи ва ўз-ўзиига берган саволлари орқали ҳам бўлажак шоирнинг ўқиган китоблари бирма-бир тилга олинади. Бу билан муаллиф ўз қаҳрамонини кўплаб халқ дostonлари ва уларнинг образларига муносабати ҳам кўрсата олган. Шунингдек, Шухрат романда тарихий шахс, илм ва иқтидор эгаси, авлиёсифат, ўз даври шеърлятида шоҳ бўлган Машрабнинг юксалишига сабаб бўлган омилларни ҳам кетма-кет ёритиб беришни ўзига мақсад қилган.

“Машраб” романидаги жўшқинлик ва шоирона ҳарорат, жозибали ташбеҳлар ўқувчи қалбини ром этади. Ҳақиқатан ҳам “асарнинг битмай қолганига афсусланасиз. Агар у ниҳоясига етганида муҳаббат ҳақида битилган янги, беқиёс бир кўшиқ бўлур эди”¹. Бизнингча, Шухратнинг хасталиги туфайли охирига етмай қолган бўлса-да, мазкур роман шоир Машраб ҳаётининг маълум бир даврини яхлит ва самимий тасвирлаганлиги билан аҳамиятлидир. Ёш Машрабнинг маънавий қиёфаси асарда ўз ифодасини топа олган дейиш мумкин.

Умуман олганда, Шухрат романларидаги қаҳрамонлар характер ва руҳиятини ёритишда бадиий тўқима ва ҳаёт ҳақиқатини ўзаро уйғунлаштира олиниши адиб индивидуаллиги ҳамда услубининг муайян қирраларини акс эттирса, иккинчи жиҳатдан, адиб асарларидаги ҳаққоний реализм, романтизмнинг кўтаринкилиги ҳам асар бадииятини таъминлаган унсурлардан биридир.

¹ Сиёев С. Ёруқ излар / Шухрат. Замондошлар хотирасида. –Т.: Шарқ, 1998. –Б.118-119.

ХУЛОСА

1. Ижодкор томонидан яратилган асарлар у яшаган давр ва муаллиф умри билан бевосита боғлиқ бўлиб, бадиият биографиясини ташкил этади. Шу жиҳатдан Шухратнинг назм ва насрдаги серқирра, сермахсул ижоди XX аср бадиий-эстетик тафаккури тараққиётида ўзига хос муҳим босқични ташкил этади. Дарҳақиқат, у ижод оламида лирик шоир, жанговор шоир, наср устаси, драматург сифатида муносиб ўрин эгаллай олди.

2. Шухрат ижодининг ҳар бир жабҳасидаги тадрижийлик, босқичма-босқич ўсиши ва такомиллашиб бориши у яратган хилма-хил образларда ўз ифодасини топган. Шоирнинг интеллектуал, ижтимоий ва медитатив лирикаси XX аср ўзбек шеъриятининг ўзига хос янги саҳифасини ярата олди. У шеър, достон ва баллада каби жанрларда самарали ижод қилди. Бу асарларда миллий ва умуминсоний ғоялар тараннуми етакчилик қилади. Айниқса, жангчи-шоир сифатида уруш йилларида бир кўлида қурол ва бир кўлида қалам билан ватанпарварлик намуналарини кўрсатди.

3. Шухрат шеърларидаги халқ кўшиқларига хос ифода йўсинини муҳим хусусият сифатида кўрсатиш мумкин. Шоир таъсирчан тасвирий ифодалардан самарали фойдалана олган. У шеъриятда лирик қаҳрамон руҳияти, ҳис-кечинмаларини содда ва самимий сатрларда таъсирчан ифода этган. Шу билан бирга Шухратнинг фалсафий, интеллектуал шеърияти халқ оғзаки ижодида муҳим ўрин тутган, XX асрда етакчилик қилган миллий вазн – бармоқ хусусиятларини ҳам ўзида тўла намоён эта олган. Бу туроқлар изчиллиги, оҳангдорлик, қофия кабиларда ёрқин кузатилади.

4. Шухрат ижодининг бетакрор жиҳати шундаки, у Чўлпон, Ойбек каби адабиёт дарғалари каби барча турларда қалам тебратди: шеърлар, туркум шеърлар – “Жангчи блокноти”дан, “Кавказ дафтари”, “Дунай соҳиллари”, “Одамлар ва обидалар”; “Иккиликлар”, “Тўртликлар”, “Ҳажвлар”, “Болалар учун шеърлар”; лиро-эпик турда – поэма, масал, баллада ва достонлар; насрда – ҳикоя, қисса, романлар; драматургияда – комедия ва драмаларда самарали ижод қилди. Шунингдек, у шеърий таржималарни амалга оширди.

5. Шухратнинг шеъриятида ҳам, насри ва драматургиясида ҳам халқ оғзаки ижодига хос жиҳатлар: ифодадаги халқчиллик, содалик, равонлик, ҳаётийлик, образлилик, ихчамлилик муҳим хусусият сифатида кўзга ташланади. Бу шеъриятида параллелизмларни, насрда эса оддий фольклоризмларни моҳирона қўллашда кўпроқ намоён бўлган.

6. Шухрат ижодиётида муаллиф яшаган даврнинг манзараларини ҳаққоний тасвирланиши, ижодкор адабий меросини бир бутун уйғунликда – зоҳирий ва ботиний маънолар қамровида ўрганиб бориш ижодкорнинг руҳий-маънавий, бадиий оламига чуқурроқ киришга ва айни пайтда, адабиётнинг муҳим вазифаси бўлган инсон руҳониятини англаб етиш йўлига ўтишдир.

7. Бадиий ижодга хос биографизм Шухрат шеърияти, айниқса, насрида ёрқин намоён бўлган. Бу жиҳатдан адиб романлари катта адабий материал беради. Адиб ўзи яшаган давр воқеликларини, инсоний дард-кечинмаларни

бошидан кечирган, гувоҳи бўлган ҳаёт манзаралари орқали бадиий акс эттирган. Шу жиҳатдан уларни яқин тарихимизнинг аччиқ сабоқлари акс этган бадиий солномалар дейиш мумкин.

8. Бадиий насрда сюжет ва образ яратишда, бадиий тўқима билан ҳаёт ҳақиқатини тасвирлашда адиб ижодий услуби индивидуал хусусиятлар кузатилади. Бу ёзувчининг бош қаҳрамон ва бошқа персонажлар образини яратишда прототип ва бадиий умумлашмага таянганлигида кўринади. Шу орқали реал ҳаётнинг таъсирчан лавҳалари яратилган.

9. Шуҳрат романлари ўзбек романчилиги тараққиётидаги муҳим босқич сифатида XX аср бадиий-эстетик тафаккуридаги янгиланишларни ўзида акс эттиради. Бинобарин, адиб асарларининг композицияси чуқур ишланган, сюжети пухта-пишиқ, турли-туман образлар эса ҳаётини мазмунга эга.

10. Ҳар бир яратилган яхши асар ижодкорнинг адабиётдаги ўрнини белгилашга ва уни баҳолашга асос бўлади. Бинобарин, муайян бир даврга хос изланишлар бевосита ушбу давр бадиий тафаккур тарзини кўрсатади. XX аср адабий жараёнини англашда, бадиий тафаккур тадрижидаги янгиланишларни тадқиқ этиб, назарий умумлашмаларга қилишда мазкур даврда яратилган асарлар, жумладан, Шуҳрат қолдирган адабий мерос ҳам таянч манбалардан бўлиб хизмат қилади.

11. Шуҳрат ижодини атрофлича тадқиқ этиш нафақат бир индивидуал ижодкор, балки XX асрнинг иккинчи ярмидаги авлод шеърини, наср ва драматургиясининг мавзу-мундарижаси, услубий-шаклий изланишлари борасида ҳам муҳим назарий хулосалар чиқариш имконини яратади.

12. Шуҳрат қолдирган бой адабий мерос: сержозиб шеърини, бетакроп эпик асарлар, замонавий драмалар кўп асрлик ўзбек адабиётини юксалтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Шу жиҳатдан шоир, носир ва драматург Шуҳрат асарлари XX аср ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин эгаллади ва унинг ёрқин саҳифаси бўлиб қолди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC 03/04.06.2021.FIL.72.09 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

СОАТОВА НОДИРА ИСОМИТДИНОВНА

**РОЛЬ ТВОРЧЕСТВА ШУХРАТА В РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОЙ
ЛИТЕРАТУРЫ XX ВЕКА**

10.00.02. – узбекская литература

**Автореферат докторской диссертации (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Бухара -2022

Тема диссертации доктора филологических наук (DSc) зарегистрирована под номером В2022.3.DSc/Fil455 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (buxdu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Каримов Наим Фотихович**
Академик АН РУз., доктор филологических наук,
профессор, заслуженный деятель Республики Узбекистана

Официальные оппоненты: **Кувватова Дилрабо Хабибовна**
доктор филологических наук, профессор

Каримов Баходир Нурметович
доктор филологических наук, профессор

Носиров Азмиддин Нормаматов
доктор филологических наук, доцент

Ведущая организация: **Урганч давлат университети**

Защита диссертации состоится «».....2022 года в ...:.... часов на заседании научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 при Бухарском государственном педагогическом университете по адресу: (200118, г. Бухара, улица М.Икбал, дом-11.Тел (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за № ...). Адрес: (200118, г. Бухара, улица М.Икбал, дом-11.Тел (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14)

Автореферат диссертации разослан « » 2022 года (протокол рассылки № _____ от _____ 2022г.).

Г.Н.Муродов
Председатель научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, доктор
филологических наук (DSc), профессор

Н.И.Гайбуллаева
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, доктор философии
по педагогическим наукам (PhD), доцент

Д.З.Ражабов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёной степени доктора наук,
доктор филологических наук(DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении постоянное внимание привлекает развитие художественного мышления, рассмотрение художественного наследия писателей и поэтов, внесших вклад в развитие национальной литературы, на основе новейших достижений науки. Мировоззрение, традиции, национальный менталитет и духовность каждого народа находят свое отражение в его искусстве и литературе. В этом отношении приобретение художественно-эстетическим и воспитательно-просветительским статусом национальной литературы позволяет определить роль, которую она занимает не только в духовном, но и в социальном развитии общества. Поэтому важно проверить творческую лабораторию конкретного творца, раскрыть грани его художественного мастерства.

В мировой литературе проводятся исследования по изучению произведений писателей, творивших в разных жанрах литературы в разных аспектах. В частности, особое внимание уделяется разработке научно обоснованных концепций применительно к монографическим исследованиям, как рассмотрение конкретного произведения того или иного творца на фоне новейших творческих достижений национальной литературы, к которой принадлежит этот автор, степень связи созданных им произведений с классической литературой и фольклором, объем предмета, мира образов, композиции, особенностей художественной интерпретации, преемственности, традиционных и новаторских черт.

В узбекском литературоведении в годы Независимости большое внимание уделяется изучению творческой лаборатории писателей, на психологию творчества, послуживших развитию узбекской литературы, являющейся неотъемлемой частью нашей национальной культуры, выявлению вклада их произведений в культуру нации. В исследовании развития узбекской литературы XX века с точки зрения содержания и формы, во-первых, показывает, «...усиление роли и влияния людей художественного творчества в жизни нашего общества»¹, а во-вторых, помогает определить, как писатели выполняют свои задачи, а также выдают свои выводы об обновляющемся обществе и жизни. Необходимо войти в творческую лабораторию Шухрата (Гулома Алимова), одного из известных представителей новой узбекской литературы, для дальнейшего углубления исследований по научной оценке его произведений, отражающих дух нации, различные сцены народной жизни, с точки зрения художественного мастерства.

Данная диссертационная работа в некоторой степени послужит для обеспечения выполнения задач, установленных в Указах, Постановлениях и

¹Постановление Президента Республики Узбекистан от 5 апреля 2018 года №PQ-3350 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Союза писателей Узбекистана» // Литература и искусство Узбекистана. 6 апреля 2018 г. № 15 (4465).

Законах Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы», № ПФ-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», № ПФ-6084 от 20 октября 2020 года «О дальнейшем развитии узбекского языка в нашей стране и мерах по совершенствованию языковой политики», № PQ-3271 от 13 сентября 2017 года «Комплексные меры по развитию системы издание и распространение книжной продукции, повышение и популяризация культуры книжочтения и чтения» по программе мероприятий», № PQ-2894 от 18 апреля 2017 года «О создании Аллеи писателей в Национальном парке имени Алишера Навои», № O'RQ-576 от 29 октября 2019 года «О науке и научной деятельности» и данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в других нормативных правовых документах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с первоочередным направлением республиканского развития науки и техники I «Социально-экономическое, культурное, духовно-образовательное развитие информационного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹.

Научные исследования, направленные на изучение вопросов узбекской литературы, творчества литераторов XX века, ведущих мировых научных центров и высших учебных заведений, развития литературно-исторической мысли в странах Востока, научные исследования по изучению наследия великих поэтов и писателей, живших и творивших в этом месте, ряд ведущих мировых научных центров и высших учебных заведений, в том числе Академии корееведения Гранд (Южная Корея), Калифорнийском университете, Гарвардском университете, Индианском университете Блумингтона (США); Университет Бун (Германия). Университет Осло (Норвегия), Венском университете (Австрия), Вильнюсском университете (Литва), Киевском национальном университете (Украина); Бакинском государственном университете (Азербайджан), Московском государственном университете, Санкт-Петербургском государственном университете, Воронежском государственном университете, Петрозаводском государственном университете (РФ), Казахском национальном университете (Казахстан), Казанском государственном университете, Уфимском государственном университете, а также Ташкентском государственном университете имени Алишера Навои узбекского языка и литературы, Научно-исследовательском институте узбекского языка, литературы и

¹Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, www.universityofcalifornia.edu/, www.harvard.edu/, www.indiana.edu/, www.intl.aks.ac.kr/, www.uni-bonn.de/, www.uio.no/english/, www.univie.ac.at/en/, www.vu.lt/, www.bsu.edu.az/, www.kaznu.kz/, <https://islaminstitut.uz/> и на основании других источников.

фольклора при АН РУз, Бухарском государственном университете, Джизакском государственном педагогическом университете.

В изучении жизненного и литературного наследия определенного творца в мировом литературоведении достигнуты следующие результаты:

Освещаются биографии писателя, вопросы художественного мастерства, как художественный параллелизм, традиция, оригинальность, философское наблюдение и поэтическая образность (Калифорнийский университет, (США), поэтика литературных видов и жанров, раскрываются такие черты, как народно-поэтическое мышление, эстетическая сущность пафоса, свойственного стилю творца (Венский университет (Австрия); роль творца в развитии национальная литература, подчеркивается истинность идеи и образа, индивидуальный стиль в создании сюжета и образа (Университет им. Ваки Довлета (Азербайджан); изучена психология творчества, фольклористика и литературное влияние в лаборатории писателя (МГУ, Казанский федеральный университет, РФ); освещены традиция и преемственность, литературное влияние, стиль и выразительные возможности (Казахский национальный университет (Казахстан); поэтическое мышление, лирика и лира – раскрываются особенности эпического образа, художественного мастерства, вопросы поэтической речи (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Научно-исследовательский институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз, Бухарский государственный университет, Джизакский государственный педагогический университет (Узбекистан).

В зарубежном литературоведении художественное наследие того или иного творца, его вклад в национальную литературу, его художественное мастерство изучаются по следующим основным направлениям: психология творчества и лаборатория писателя, поэтика литературных видов и жанров, характеристика художественных образов, лингвопоэтика и структура поэтической речи, исследование в аспектах; сравнительно-типологическое изучение образцов фольклора на разных языках; рассмотреть творчество отечественного писателя в контексте мировой литературы, показать грани художественного мастерства, традиции и новаторства.

Степень изученности проблемы. В мировой литературе существуют исследования о подходе к художественному творчеству и поэтике художественных произведений, помогающие понять действительность, роль творца в развитии литературы, художественную природу произведений, принадлежащих к литературным видам и жанрам¹.

¹ Белинский В. Полное собрание сочинений в 13 томах. Т.7. –М.: АН СССР, 1955-1969; Азадовский М. Статьи о литературе и фольклоре. –М.-Л.: Гослитиздат, 1960; Емельянов Л. К вопросу о фольклоризме древней русской литературы // Русский фольклор. Т. VII. –М.-Л.: Наука, 1962; Ларцев В. Баллада в современной поэзии // Звезда Востока, №9. 1963; Выходцев П. Русская советская поэзия и народное творчество. –Л.: Наука, 1963; Тимофеев Л. Основы теории литературы. –М.: Просвещение, 1966; Пакальнишкис Р. Современная литовская поэма: Автореф. дисс... канд. филол наук. –М., 1964; Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. –М.: Наука, 1970; Михайлова А. Художественной условности. –М.: Мысль,

В узбекском литературоведении создан ряд исследований по лирическому¹ и лирико-эпическому² художественному мастерству

1970; Томашевский Б. Основы теории литературы. –М.: Наука, 1971; Лотман Ю. Структура художественного текста. –М.: Искусство, 1970; Лозовой Б. Из истории русской баллады: Автореф. дис. канд. филол. наук. –М.: 1970; Бахтин М. Эпос и роман // Вопросы литературы. №1. 1970; Тот же. Вопросы литературы и эстетики. –М.: Художественная литература, 1975; Тот же. Эстетика словесного творчества. –М.: Наука, 1979; Лагутов В. О некоторых художественных мотивах жанра исторической баллады // Вопросы теории и истории литературы: сборник статей. –С., 1974; Страшнов С. Герой и стиль русской романтической баллады в период Великой Отечественной войны // Ученые записки Университета. –Иваново, 1974; Потебня А. Эстетика и поэтика. –М.: Сов. писатель, 1976; Виноградов В. Поэтика русской литературы. –М.: Наука, 1976; Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. –Л.: Наука, 1977; Левинтон Г. Заметки о фольклоризме Блока / Миф – Фольклор – Литература. –Л.: Наука, 1978; Пospelов Г. Теория литературы. –М.: Высшая школа, 1978; Тулаков И. Поэтические традиции и характер героя в узбекской советской поэме: Автореф. дисс... канд филол. наук. –Т., 1981; Затонский Д. Искусство романа и XX век. –М.: Наука, 1982; Киканс В. Современная советская поэма. –Рига: Зинатне, 1982; Балашов Д. Русские народные баллады. –М.: Современник, 1983; Шкловский В. О теории прозы. –М.: Советский писатель, 1983; Кравченко А. Художественная условность как средство типизации характера (На материале современного украинского романа): Дисс... канд. филол. наук. –Киев, 1984; Числов М. Время зрелости – пора поэмы. –М.: Современный писатель, 1986; Веселовский А. Историческая поэтика. –М.: Высшая школа, 1989; Хализев В. Теория литературы. –М.: Высшая школа, 2000; Владимирова Н. Формы художественной условности в современном романе Великобритании: Дисс... д-ра филол. наук. –Новгород, 1999; Ковтун Е. Типы и функции художественной условности в европейской литературе первой половины XX века: Дисс... д-ра филол. наук. –М., 2000; Тамарченко Н. Теория литературы. Роды и жанры. –М.: ИМТИ РАН, 2003; Кобланов Ж. Фольклорные сюжеты в драматургии // Филология и литературоведение. 2013. №10. URL: <http://philology.uz>; Сарбашева А. Балкарская драматургия: этнофольклорная традиция, эволюция, жанровая специфика: Автореф. дисс. докт. филол. наук. –М.: Нальчик, 2014.

¹ Рахимджанов Н. Современные тенденции развития узбекской поэзии: Дисс... док-ра филол. наук. –Т., 1989; Сабирдинов А. Слово и образ в поэзии Ойбека: Дисс... кандидата филол. наук. –Т., 1999; Тот же. Поэтические мастерство Айбека: Дисс... док-ра филол. наук. –Т., 2004; Хамдамов У. Проблема «чистой лирики» в узбекской поэзии 1930-х гг.: Дисс... кандидата филол. наук. –Т., 1997; Тот же. Социально-психологические особенности художественного мышления узбекской поэзии XX века: Дисс... док-ра филол. наук. –Т., 2018; Турдимов Ш. Природа лирического навыка: Дисс... кандидата филол. наук. –Т., 1999; Шарипова Л. Фольклор в художественном развитии узбекской поэзии второй половины XX века: Дисс... док-ра филол. наук. –Т., 2019; Муминов Г. Фольклоризм в современной узбекской литературе: Дисс... док-ра филол. наук. –Т., 1994;

